



**К 1 АВГУСТА
ЗАРАБОТАЕТ
ИДЕНТИФИКАЦИЯ
ПО НОМЕРУ
МОБИЛЬНОГО
ТЕЛЕФОНА**

5-бет.



**ХИТОЙ
ЕРНИНГ
"ЭГИЗАКЛАРИ"НИ
ТОПМОҚЧИ**

6-бет.



**МЕҲНАТ
МУҲОФАЗАСИ –
ОЛИЙ БУРЧ**

7-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqqa boshlagan

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

**17 (1543)-son
29-aprel
2022**

[@xabaruzofficial](https://twitter.com/xabaruzofficial)
[facebook.com/xabar.uz/](https://www.facebook.com/xabar.uz/)

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz



ҲАМКОРЛИҚДА ИТ-ХОДИМЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида Trend Micro ва Integra компаниялари раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, жумладан, телекоммуникациялар, киберхавфсизлик, қўшма тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, ИТ-ходимларни тайёрлаш каби масалалар кўриб чиқилди.

Томонлар ҳамкорликни ривожлантириш учун юқори салоҳият мавжудлигини қайд этиб, ахборот технологиялари соҳасида шерикликни ривожлантириш учун барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЭНГ БОЙ КОМПАНИЯЛАРИ

(Капитализация,
млрд. доллар, топ-10)

1. Apple – 2 370 (АҚШ)
2. Saudi Aramco – 1 865 (Саудия А.)
3. TSMC – 569 (Тайван)
4. Tencent – 557 (ХХР)
5. Samsung – 438 (Жанубий Корея)
6. LVMH – 375 (Франция)
7. ASML – 353 (Нидерландия)
8. Nestle – 342 (Швейцария)
9. Toyota – 252 (Япония)
10. Novo Nordisk – 234 (Дания)



Манба: Datawrapper

Аёллар ва ёшлар учун РАҚАМЛИ КЎНИКМАЛАР МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

“Халқаро АКТ соҳасида қизлар куни” муносабати билан аёллар ва ёшлар учун рақамли кўникмалар марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.



Барчамизга маълумки, ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритувчи ихтирочилар, дастурчилар ва тадқиқотчиларнинг аксарияти эркак кишилардан иборат. Аммо тарихга назар ташласак, ИТ соҳасининг ривожланишида аёлларнинг ўрни бекиёс. Шу боис ҳам АКТ соҳасида аёлларнинг ролини ошириш ҳамда хотин-қизларни ахборот технологиялари соҳасида ишлашга жалб этиш мақсадида ҳар йили апрел

ойининг тўртинчи пайшанбасида Халқаро АКТ соҳасида қизлар куни нишонланади. Айнан шу сана муносабати билан 28 апрел куни Аёллар ва ёшлар учун рақамли кўникмалар марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари Олег Пекос тантанали равишда очиб берди. Шунингдек, маросимда тегишли

ташкilotлар мутасаддилари: Фарҳод Ибрагимов, Умида Мусаева, Наталя Мочу, Илдар Юсупов, Ван Гуандун ва Лю Цзянлар ҳам иштирок этишди.

Меҳмонларга АКТ соҳасида таҳсил олаётган талаба қизлар томонидан яратилган стартап лойиҳалар тақдим этилди. Аксарият қизларнинг лойиҳаси ўзбек тилининг имловий луғатини бойитишга қаратилган бўлиб, меҳмонлар томонидан яхши қарши олинди.



Жумадан
жумагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини, йирик лойиҳалар билан танишиш, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида 21–22 апрел кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди. Қарши шаҳрида 22 апрел куни халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэл Макронни ушбу мамлакатда бўлиб ўтган Президент сайловида ғалаба қозонгани билан табриклади.

25 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларус Республикаси Бош вазири Роман Головченкони қабул қилди. Учрашувда товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва муганосиблигини таъминлаш, жумладан, бунга қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб бериш, савдо уйлари тармоғини ривожлантириш орқали эришишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон ва Беларус ўртасидаги ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича икки мамлакат ҳукуматлари томонидан “йўл харитаси” қабул қилиниши юзасидан келишувга эришилди.

25 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуровни қабул қилди. Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон–Россия амалий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 апрел куни туризм хизматлари қўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 апрел куни қишлоқ хўжалигида лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда таълим сифатини яхшилаш масалаларини юзасидан йиғилиш ўтказди. Йиғилишда халқаро молия институтларидан жалб этилган маблағларни самарали йўналтириш, лойиҳаларни жадаллаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Республикада каврак етиштиришни ривожлантириш ва саноатлаштиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон чоп этилди.

“ПОЧТА АЛОҚАСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН МАЪҚУЛЛАНДИ

Сенатнинг ялпи мажлисида “Почта алоқаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини кўриб чиқилди.

Мазкур Қонуннинг янги тахрири хизматлар бозоридаги почта алоқаси фаолиятини ривожлантиришга ҳамда почта алоқаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Қонун билан почта алоқаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кенгайтирилиб, унга асосан давлат томонидан почта алоқасини халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ ривожлантириш, соҳага инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, илғор инновацион, ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини рағбатлантириш белгиланмоқда.

Мазкур Қонун ҳужжатларининг риоя этилиши юзасидан давлат назоратини юритувчи давлат органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси белгиланмоқда.

Қонун билан фойдаланувчиларнинг манзилига оид маълумотлар, почта ва курерлик жўнатмалари, уларнинг таркиби тўғрисидаги ахборот, шунингдек,



почта алоқаси операторлари ҳамда провайдерларининг фаолияти соҳасига қирадиган бошқа хабарлар почта алоқасининг сирини ташкил этиши ва уни давлат томонидан қафолатлиниши белгиланмоқда.

Шунингдек, Қонун почта алоқасининг хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисидаги янги норма билан тўлдирилмоқда. Хусусан, почта алоқаси-

нинг хавфсизлиги почта алоқаси сирини ҳимоя қилишга, почта ва курерлик жўнатмаларининг, почта алоқаси воситаларининг бут сақланишини таъминлашга қаратилган.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

Учрашув



Ўзбекистон – Латвия: УЧИНЧИ МАМЛАКАТЛАРГА ИТ-ЭКСПОРТ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИНАДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва Мухтор Элчиси Рейнис Трокша бошчилигидаги Латвия ИТ-компаниялари вакиллари билан учрашув ўтказди.

Учрашувда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, жумладан, таълим ва ИТ-тадбиркорлик соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари 14 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ахборот технологиялари соҳасида эришилган натижалар ва 2022 йилга мўлжалланган вазифаларга бағишланган йиғилиш доирасида Ўзбеки-

стонни ҳудудий ИТ-марказга айлантириш вазифасини қўйган эди.

Мулоқотда ВРО (бизнес жараёнлари аутсорсинги) ва КРО (бизнес жараёнлари аутсорсинги) хизматларини ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишда ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар ҳамкорликни ривожлантириш учун юқори салоҳият мавжудлигини қайд этиб, ахборот технологиялари соҳасида шерикликни ривожлантириш учун барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда хорижий ИТ-компаниялар ва резидентлар учун барча шароит яратилган. Масалан, ИТ-Парк резиденти бўлган хорижий ИТ-компанияларга инфратузилма ва солиқ имтиёзлари тақдим этилган. Хорижий ИТ-мутахассислар ва уларнинг оила аъзолари учун визалар олишнинг соддалаштирилган ИТ Visa тизими жорий этилди.



MASTERCARD РАҲБАРИЯТИ АКТ ВАЗИРЛИГИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида Mastercard молиявий хизматлар корпорациясининг Евроосиё минтақавий офиси раҳбарияти билан учрашув бўлиб ўтди. Унда АКТ вазирининг биринчи ўринбосари Олег Пекос иштирок этди.

Учрашувда бир қатор истиқболли йўналишларда ҳамкорликни мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, электрон тижорат соҳасида саводхонликни ошириш, Mastercard Academy лойиҳасининг ўзбек тилидаги талқинини ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес фаолиятида халқаро молиявий хизматларни жорий этиш масалалари кўриб чиқилди.

Ўз навбатида, томонлар ҳамкорлик учун юқори салоҳият мавжудлигини қайд этиб, ахборот технологиялари соҳасида шерикликни ривожлантириш учун барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Инновацион ривожланиш вазирлигида “Инновацион тараққиётда хотин-қизларнинг ўрни ва роли” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



БМТ Бош Ассамблеясининг “Тараққиёт мақсадларидаги фан, техника ва инновациялар” тўғрисидаги резолюциясида ушбу соҳаларда гендер тенгликни таъминлаш масаласи кўтарилган бўлиб, бутун дунёда хотин-қизларнинг фан, техника ва инновацион ютуқлардан тенг ва тўлақонли фойдаланишларига имкониятлар яратишга чақирилган.

БМТ қарорига кўра, 2016 йилдан бошлаб ҳар йили 23 апрел Халқаро АКТ соҳасидаги қизлар куни сифатида нишонланади. Бундан кўзланган асосий мақсад – хотин-қизларнинг илм-фандаги салоҳиятига эътибор қаратиш ва қўллаб-қувватлашдан иборат.

Сўнгги 15 йил ичида жаҳон ҳамжамияти хотин-қизларни

илм-фанга жалб этишда сезиларли ютуқларга эришди. Бугунги кунда рақамли кўникмалар замонавий дунёда тобора кўпроқ талабга айланиб бораётганлиги учун ахборот технологиялари йўналишида фаолият юритиш истиқболли йўналишларидан бирига айланиб улгурди.

Ҳозирда мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасидаги қизлар улуши нисбатан озчиликни ташкил этиб, ушбу йўналишда кўпроқ хотин-қизларни технология дунёсига олиб кириш учун қатор тадбирлар ташкил этиш орқали уларга гендер стереотипларини энгиб чиқишга ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўз малакасини

оширишга, ўзаро тажриба алмашишга кенг имкониятлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар айнан шу жиҳатларга эътибор қаратди ҳамда хотин-қизларнинг замонавий ахборот технологиялари соҳасига кенг жалб этиш, уларнинг билимларини ошириш борасида келгусидаги вазифаларга тўхталиб ўтди.

Тадбирда ахборот технологиялари соҳасида самарали фаолият олиб бораётган хотин-қизларнинг тақдимотлари ҳам ўтказилди.

Тадбир якунида ўз тақдимотлари билан фаол иштирок этган хотин-қизларга ташаккурномалар топширилди.

Тиббиёт ва АКТ



DIGITAL HOLDING ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРАДИ

Digital Holding, “МегаФон” ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги IT-Med MCHJ соғлиқни сақлашни рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича меморандум имзолади.

Ўзбекистоннинг энг йирик рақамли ҳолдинги 25-27 апрел кунлари “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида бўлиб ўтган “ИННОСАНОАТ. Марказий Осиё” халқаро sanoat кўргазмасида “Электрон соғлиқни сақлаш-2025”

стратегиясини амалга ошириш учун технологик ечимларни тақдим қилди.

– Замонавий рақамли технологиялар тиббий муассасалар ходимларини кундалик ишларнинг бир қисмини бажариш мажбуриятидан халос этиш орқали нафақат жараёнларни тўғри йўлга қўйиш ва автоматлаштиришга, балки хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради, – дейди Digital Holding бош директори Андрей Майгур. – Масалан, теледиабет соҳаси-

даги ечимлар исталган беморга, у қаерда эканлигидан қатъи назар, юқори малакали шифокор ёрдами кўрсатиш имконини беради, электрон рецептлар ёзиш тизими эса дори воситалари айланмасини назорат қилиш ва беморлар хавфсизлигини таъминлашда қўл келади.

IT-Med директори Артур Хакимовнинг айтишича, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида рақамли технологияларни қўллаш қамрови тобора кенгаймоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасининг беморга йўналтирилган рақамлашувини қуриш, биринчи навбатда, аҳолига сифатли ва самарали тиббий хизматлар кўрсатишга, шунингдек, бошқарув жараёнини соддалаштиришга ёрдам беради. Digital Holding рақамли ечимлари касалликларнинг олдини олиш ва даволашда муваффақиятлироқ натижаларга эришишни кўзда тутди.

Ўзбекистонда ягона тиббий маълумотлар базаси ва интеграцияланган ахборот тизимлари мажмуасини 2025 йилга қадар яқунлаш режалаштирилмоқда. Теледиабет консултациялари учун ечимлар ишлаб чиқиш ва электрон рецептлар платформасини ишга туширишдан ташқари томонлар ҳаракатлари тиббий сугурталар фонди маблағларидан фойдаланишни осонлаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини назорат қилишга ёрдам берувчи ахборот тизимларини ривожлантиришга қаратилади.

Тиббий муассасалар мижозларини электрон тиббий карталари ва шифокор кўригига онлайн ёзилиш хизматлари, лаборатория тадқиқотлари ҳақида SMS ва e-mail орқали хабардор қилиш тартибига ўтиш кутилмоқда.

Ҳамкорлик доирасида, шунингдек, тез тиббий ёрдам ходимлари учун диспетчерлар ҳамда бригадалар орасида аудио ва видеоезув ҳамда шифокорларга тезкор SMS-хабарнома юбориш хизматларига эга тизимни моделлаштириш режалаштирилмоқда.



БОЛА ИЖОДКОР ШАХС БЎЛСИН

Бунда ахборот технологиялари ва анъанавий таълим уйғунлиги муҳим ўрин тутди

Бугун барча соҳалар каби ўқув жараёни ҳам компьютер ва ахборот технологияларисиз тасаввур этиш қийин.

Мактабдаги таълим жараёнида ўқувчилар ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида матн билан ишлашни, тасвирий объектларни ва маълумотлар базасини яратишни, электрон жадваллардан, ахборот йиғишнинг янги усуллари билан фойдаланишни ўрганади ва шу асосда уларнинг дунёқараши кенгайди. Дарсларда АКТ қўлланилиши ўқувчилар қизиқувчанлигини, ўқишга бўлган мотивациясини, мустақил ишлар самарадорлигини оширади. Замонавий технологиялар таълим соҳасида ўқувчиларнинг ўқиш ва ижодкорлигида янги имкониятларни тақдим этади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, компьютер ва ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш барча масалалар ечимини ҳал қилади, яъни ахборотларни узатиш ва қайта ишлаш, бу – билим, малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантиришни кафолатлайди дегани эмас. Чунки буларнинг барчаси фақатгина ўқитишнинг самарали кўшимча воситалари ҳисобланади, холос. Шу боис АКТ-ни қўллашда шахснинг барча имкониятларини – қизиқувчанлик, одоб-ахлоқ, ижодкорлик, мулоқот ва эстетик қобилиятларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилиш зарур. Бу қобилиятлар кераклича юқори даражада рўёбга чиқиши учун, аввало, педагогнинг АКТ соҳасидаги

билимдонлиги муҳим ўрин тутди. Педагогларда бу кўникма олий ўқув юртлиридаги ўқиш давомида ривожлантирилиши керак ва бунини қўйидагилар билан ифодаласа бўлади:

- замонавий ахборот муҳитида тажрибани баҳолаш ва фаолиятда қўллаш қобилияти;

- шахсий ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга ҳаракат қилиш;

- умумий коммуникатив маданиятнинг, ахборот алмашишни ташкиллаштиришда тажриба ва назарий билимларнинг мавжудлиги;

- ахборотни олиш, танлаш, сақлаш, қайта ишлаш, ўзгартириш, тақдим этиш, узатиш ва қўллаш маданиятини ўзлаштириш.

Бугунги болалар ҳар қадамда – уйда, интернет клубларида компьютер билан тўқнаш келаётгани барчага аён. Табиий савол туғилади: барча бола ҳам ушбу замонавий технологиядан ўз ўрнида мақсадли фойдаланяптими? Бунинг учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади? Шу боис айни кунда айнан ақлий тарбияга психологик-педагогик жиҳатдан янги аёндашувларни излаб топилгани аҳамияти ортиб бормоқда. Таълим жараёнида болалар ақлий фаолигини ривожлантириш таълимнинг турли шакл ва методларидан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ.

Мактабда ўқитишни компьютерлаштириш икки йўналишда амалга оширилмоқда. Информатика предмети ўрганиш (компьютер – ўрга-

ниш объекти) ва бошқа ўқув предметларини ўрганишда компьютердан фойдаланиш (компьютер – таълим воситаси). Шубҳасиз, компьютер ўқувчининг ўқишга рағбатини оширади. Шунингдек, ўқув топшириқларини мураккаблик даражасига кўра тақдим этишни изга солиб турувчи имкониятлар ортади, тўғри бажарилган топшириқ учун рағбатлантириш орқали ҳам мотивациянинг ўсишига эришиш мумкин.

Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш учун маълум бир шарт-шароитлар, яъни ахборот ресурслари компьютер, видеопроектор, мултимедиа воситалари, принтер, сканер ҳамда замонавий дастурий воситалар мавжуд бўлиши лозим. Бугунги кунда таълим жараёни самарадорлигини оширишда компьютер ва ахборот технологиялари воситаларининг асосий таркибий қисми: ўқув дастурлари, мултимедиа технологиялари, масофадан ўқитишнинг ўқув услубий таъминоти, виртуал лаборатория, электрон дарслик, электрон ўқув кутубхонаси, халқаро интернет тизимлари ва бошқалар муҳим аҳамиятга ва ўринга эга бўлади.

Ўқув жараёнининг самарадорлиги ва мукамаллиги ахборотларни билим олувчига қандай тарзда берилишига, улар томонидан қандай қабул қилинишига ва уларни амалиётга қандай татбиқ қилинишига боғлиқ. Мултимедиа технологиялари ўрганилаётган педагогик ва иқтисодий жараёнлар

тўғрисидаги ҳар бир ахборотни таълим олувчиларга ҳаракатли, овозли ва видеоли кўринишларда баён қилиб беради. Бу эса катта ҳажмдаги ахборотни бериш учун кетадиган вақтни тежаш билан бирга, уларни янги ахборотларни қабул қилиш ва улардан амалий фойдаланиш даражасини оширади.

Бошқача айтганда, таълим жараёнида компьютер ва ахборот технологияларидан мукамал фойдаланиш учун асосий эътибор, энг аввало, ўқитувчига зарур бўлган шароитни яратишга, компьютерларни ўқув жараёнларида самарали қўллашга, яъни мултимедиа электрон ўқув ва услубий қўлланилалардан кенг миқёсда фойдаланишга қаратилиши лозим.

Соҳа тадқиқотчилари болаларнинг ахборот муҳитига психологик тайёргарлигини илк мактаб давридан шакллантириш лозимлигини таъкидлайдилар. Бу эса мактаб таълимининг илк босқичи ҳисобланган бошланғич таълимга сифат жиҳатидан янги талабларни юклар, унда болаларнинг компьютер саводхонлигини оширишни тақозо этади. Зеро, ахборот технологиялари анъанавий таълим воситалари билан уйғунлиқда болани ижодкор шахс сифатида тарбиялаш имконини беради.

Мирлазиз АКБАРОВ,
Паркент туманидаги 2-сонли
касб-ҳунар мактаби
информатика ва ахборот
технологиялари фани
ўқитувчиси

ТАТУ хабарлари

МАКТАБДА МАҲОРАТ ДАРСИ

Тошкент ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчилари томонидан мактабларда маҳорат дарслари ўтказиш анъанага айланган.

Навбатдаги маҳорат дарси пойтахтимиздаги 21-сонли Меҳрибонлик уйда ташкил этилди. Унда университетнинг компьютер инжиниринги факултети ҳамда “Мултимедиа технологиялари” кафедраси ўқитувчилари муассаса тарбияланувчиларига “HTMLda Canvas элементлари билан ишлаш” мавзусида дарс ўтишди.

ЎҚУВЧИЛАР ФИЛИАЛГА САЁҲАТ ҚИЛИШДИ

Ёшларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига қизиқишларини ошириш ва уларни касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалида “Очиқ эшиклар кўни” ташкил этилди.

Тадбир доирасида Нукус туманидаги 22, 20, 27, ва 12-мактабларнинг 9, 10 ва 11-синф ўқувчилари филиалга ташриф буюрди. Экскурсия давомида ўқувчилар филиалдаги Инкубация ва акселерация маркази фаолияти ва унда талабалар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Филиалнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Х.Сейткамалов, Ёшлар масалалари, маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Д.Қудайназаровалар ТАТУ ҳамда унинг минтақавий филиаллари фаолияти, мажуд йўналишлар, IT соҳасининг бугунги кундаги аҳамияти тўғрисида маълумотлар беришди.

Бу каби саёҳатлар ёшларнинг касб танлашларида катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

«МЕГАФОН» ПОДДЕРЖИТ ИТ-СПЕЦИАЛИСТОВ УЗБЕКИСТАНА



Совместно с Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций Узбекистана компания «МегаФон» запустит программу развития и трудоустройства ИТ-специалистов Узбекистана. Это предусмотрено меморандумом о сотрудничестве, подписанным 25 апреля на международной промышленной выставке «Иннопром. Центральная Азия».

«Сегодня Узбекистан осуществляет ряд проектов по обучению молодежи ИТ-специальностям. Так, если в начале 2000-х в стране насчитывалось всего несколько сотен ИТ-специалистов, то на сегодня их уже более 50 тысяч. К 2030 году поставлена задача довести число ИТ-специалистов до 1 млн. человек. Мы рассчитываем, что сотрудничество с

„МегаФоном“ придаст импульс вопросам подготовки квалифицированных кадров в сфере ИКТ», — сказал Олег Пекось, первый заместитель министра по развитию информационных технологий и коммуникаций Узбекистана.

В УЗБЕКИСТАНЕ РЕАЛИЗУЮТ СТРАТЕГИЮ «ЭЛЕКТРОННОЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЕ-2025»



Меморандум о сотрудничестве в сфере здравоохранения в рамках международной промышленной выставки «Иннопром. Центральная Азия» подписали один из крупнейших цифровых холдингов Узбекистана Digital Holding, «МегаФон» и ООО IT-Med при Министерстве здравоохранения Узбекистана. Digital Holding также презентовал технологические решения для реализации стратегии «Электронное здравоохранение-2025».

«Современные цифровые технологии помогают не только выстроить и автоматизировать процессы, освободив персонал медицинских учреждений от части рутинных работ, но и повысить качество и эффективность оказываемых услуг. Так, решения в области телемедицины предоставят

доступ к высококвалифицированной врачебной помощи любому пациенту независимо от того, где он находится, а система выписки электронных рецептов позволит контролировать оборот лекарственных препаратов и обезопасить пациентов», — рассказал Андрей Майгур, генеральный директор Digital Holding.

ЧИСЛО АБОНЕНТОВ MOBIUZ ПРЕВЫСИЛО 6,6 МЛН.

Об этом говорилось в ходе онлайн-брифинга, проведенного мобильным оператором Mobiuz 25 апреля в социальных сетях.

В первом квартале показатель MoU (среднее количество используемого активным абонентом минут) составил 880 минут. MBoU (средний объем интернет-трафика на одного активного абонента) продемонстрировал значительный рост по сравнению с 2021 годом и превысил отметку 3600 МБ.

Это связано с различными факторами, в том числе маркетинговыми активностями и ростом доли абонентов Mobiuz, пользующихся сетями 4G LTE, за 2021 год в более 12 раз. Уровень покрытия сетью четвертого поколения населенных территорий Узбекистана за год увеличился с 30 до 80% и продолжает расти.

В первом квартале 2022 года введена в коммерческую эксплуатацию 591 базовая станция. Готовится к коммерческому запуску сеть 5G. Проводятся работы по модернизации транспортной сети, дальнейшему совершенствованию биллинговой системы для внедрения услуг.

РАУМЕ ПРИЗНАН ЛУЧШИМ ПОСТАВЩИКОМ ЦИФРОВЫХ ПЛАТЕЖНЫХ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ

The Global Economics назвал Рауме лучшим поставщиком цифровых платежных услуг 2022 года в Узбекистане.

The Global Economics — это британское финансовое издание и ежеквартальный бизнес-журнал, в котором содержится подробный обзор финансового сектора по всему миру. Его фишкой является престижная программа ежегодных наград Global Economics для конкретной страны, в рамках которой по всему миру выявляются и награждаются лучшие компании.

Признание Рауме как одного из лучших поставщиков цифровых платежных услуг в Узбекистане — это подтверждение упорного и кропотливого труда всей команды, которая заботится о своих пользователях и старается создать удобный и полезный сервис. Это воплощение доверия у пользователей и признание сервиса как крупного игрока на рынке.

В начале апреля 2022 года количество скачиваний приложения Рауме в Google Play достигло 5 млн.



К 1 АВГУСТА ЗАРАБОТАЕТ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ПО НОМЕРУ МОБИЛЬНОГО ТЕЛЕФОНА

В Узбекистане будет создана новая система идентификации граждан — Mobile-ID. Шавкат Мирзиёев подписал соответствующий указ 20 апреля.

Новая система будет идентифицировать пользователей по номеру мобильного телефона, а также предоставит им доступ ко всем госуслугам (кроме финансовых) без ЭЦП. Внедрить Mobile-ID планируется с 1 августа.

Зарегистрироваться в Mobile-ID и привязать номер телефона можно будет как онлайн, так и лично — в Центре госуслуг или нотариальной конторе.

В первом случае для этого потребуются мобильное приложение ЕПИГУ. Через него будет проведена удалённая биометрическая идентификация по Face ID (альтернатива — ЭЦП на ID-карте). Регистрация через ЕПИГУ бесплатная.

При регистрации в Центре госуслуг или у нотариуса нужно предъявить паспорт или ID-карту, после чего сотрудник сфотографирует клиента и снимет его отпечатки пальцев. До 31 декабря услуга будет бесплатной, после — будет стоить 2% БРВ (5400 сумов).

По желанию пользователя все уведомления, направляемые в его персональный кабинет на ЕПИГУ, будут также отправляться на его номер в Mobile-ID.

С 1 сентября поручено открыть по лицензиям доступ к данным в системе «Электронное правительство» для коммерческих банков, страховых компаний, телеком-операторов, частных клиник и образовательных учреждений.

Мининфоком за месяц должен разработать для них специальную платформу, а за два месяца — подготовить проект разрешающего это нормативно-правового акта.

Персональные данные гражданина по их запросу будут предоставляться с согласия пользователя. Подтвердить согласие будет можно в персональном кабинете на ЕПИГУ либо по номеру, привязанному к Mobile-ID.

Перед Минюстом поставлена задача модернизировать систему оказания госуслуг по принципу «гражданин — в центре внимания». В частности, будет расширено использование электронных госуслуг и бумажного делопроизводства.

Для этого в центрах госуслуг будут созданы места самообслуживания. Как минимум один из операторов будет помогать клиентам центра с их использованием и получением услуг.

Кроме того, с 1 июня при оплате госуслуг через филиалы коммерческих банков, расположенные в центре, с клиента не будет взиматься комиссия (сейчас — до 2%). Вместо этого банк получит часть суммы платежа за услугу.

Министру поручено организовать конкурс на размещение в центрах филиалов банков, которые будут принимать оплату за услуги. Помещения будут предоставляться на срок до 5 лет, без взимания арендной платы.

Планы внедрения системы Mobile-ID обсуждались несколько лет. Изначально интегрировать персональные ID-карты с SIM-картами обещали до октября 2019 года. Кроме того, в конце 2021 года Мининфоком представил Gov Pass — цифровой профиль паспорта и других документов.



ХИТОЙ ЕРНИНГ "ЭГИЗАКЛАРИ"НИ ТОПМОҚЧИ

Ойга роботларни жўнатиб, ўз космик станциясини қуриб бўлганидан сўнг, Хитой Қуёшга ўхшаш олис тизимларни ўрганишни бошлади. Чин юрти астрономлари Қуёш тизимидан ташқаридаги сайёралар (экзосайёралар)ни ўрганиш бўйича режалаштириладиган илк миссия тафсилотларини очиқлашди.

Хитой миссиясининг мақсади Сомон йўлининг Қуёш тизимидан ташқарисида жойлашган, худди Ер сингари юлдуз атрофида айланувчи сайёраларни топишга қаратилган.

Ҳозирги технологиялар ва телескоплар билан Ерга ўхшашган кичик сайёраларни уларнинг Қуёшлари миллион марта оғир ва миллиард мартаба ёрқин бўлган шароитда аниқлаш мушкул. Хитойнинг "Ер 2.0" миссиясидан мақсад шу масала ечимини топишдир. Ушбу лойиҳага хизмат қилувчи фазовий кемани Long March ракетаи ёрдамида 2026 йил охиригача космосга учуриш режалаштирилган.

"Ер 2.0" кемасига етти та теле-скоп ўрнатилади, улар тўрт йил да-

вомида тинмай фазо кенгликларини кузатади. Айнан шу телескоплар экзосайёраларни топишига умид қилишмоқда. Хитойлик астрономларнинг фикрича, бир нечта кичик телескопнинг биргаликда ишлаши "Кеплер"га ўхшашган битта йирик телескопдан самаралироқ бўлиши мумкин.

TELEGRAM АСОСЧИСИ ТЎРТИНЧИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛДИ



Telegram асосчиси Павел Дуров Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) фуқаролигини олди.

Forbes ёзишича, Дуров бир пайтнинг ўзиде тўрт мамлакат — Россия, Франция, Сент-Китс ва Невис ҳамда БАА фуқаросига айланди.

Дуров яқинда Дубай ворис шахзодаси Ҳамдон бин Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан учрашганди.

Навр суҳбатдоши маълум қилишича, Дуровнинг рус паспорти муддати аллақачон тугаган, у кўп йиллардан бери Россияга бормади, 8 йилдан бери бу ерда мол-мулк сақламайди.

Павел Дуров Dubai Media City эркин иқтисодий зонасидаги ми-


норалардан бирининг 23-қаватида Telegram штаб-квартирасини 2017 йилда очган.

ҲАМЁНБОП ЯПОН СМАРТФОНИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Sharp — асосан ички бозор (Япония) учун смартфонлар чиқарувчи компания. Япон смартфонлари қанақа бўлади, масалан, арзонлари? Sharp тақдим этган янги, иенадан долларга ўтирилганда 315 долларлик смартфон мисолида кўрамиз.

Sharpнинг Aquos Sense 6s смартфон Snapdragon 695 5G процессориде ишлайди, OLED-дисплейи 6,1 дюйм кенгликда. Бу экран кадрларнинг юқори янгилиниш частотасини қўлламайди, стандарт FullHD+ ечим (2432 x 1080 пиксел). Экрани остида бармоқ изларини сканерловчи жойлашган.


Япон смартфонни сувдан ҳимояловчи IP68 технологиясига эга, металл корпуси ёнида аудиовоситалар учун тирқиш ажратилган. Фото/видео:



асосий — 48 МП камера, ёрдамчи — 8 МП икки камера (кенгбурчакли ва телеобъектив). Смартфоннинг қалинлиги — 8 мм, оғирлиги — 156 грамм.

Юпқа бўлишига қарамай, смартфон аккумулятори нисбатан сиғимли — 4570 мАс. Хотираси аксинча, анча паст: оператив — 4 ГБ, ички — 64 ГБ. Нарх-сифат мезониде бинойидек телефон. Нима бўлганда ҳам Япония.

ДУНЁДАГИ ЭНГ УЗУН ШИША КЎПРИК ВЕТНАМДА ҚУРИЛДИ



Ветнамда дунёдаги энг узун шиша кўприк қуриб битказилди. Гиннеснинг рекордлар китобига кирилган кўприкнинг узунлиги — 631 метр.

Мок-Чау сайёҳлик зонасидаги Бах Лонг шиша кўприги 30 апрел — Бирдамлик куни расман очилди.


Ветнам кўприги бунгача энг узун шиша кўприк саналган Хитойнинг Хунан провинциясидаги Чжанцзе (430 метр)дан 200 метр узунроқ. Қолаверса, Бах Лонг баландроқ ҳам — ер юзасигача 152 метр.

Ана шу баланд ва узун шаффоф кўприкдан ўтишда хавотирга ўрин йўқ, чунки St. Gobain (Франция) компаниясининг супертобланган шишаси қўлланилган.

Бах Лонг кўприги бир пайтнинг ўзиде 500 нафаргача одам чиқишига мўлжалланган.

Халқаро ҳаёт

ПУТИН ВА БМТ БОШ КОТИБИ МОСКВАДА УЧРАШДИ



Россия президенти Владимир Путин ва БМТ бош котиби Антониу Гутерриш 26 апрел куни Москвада учрашди.

Мулоқот давомида Бучадаги қирғинни "про-вокация" деб атаган Путин, унинг ортида ким турганини биламан, деди.

Ўз навбатида, Антониу Гутерриш Россиянинг Украинага ҳужуми БМТ Низомига зидлигини таъкидлаган. Бош котиб тинч аҳолини эвакуация қилиш учун гуманитар йўлақлар очиш ва кейинчалик ҳозиргидек гуманитар коридорларнинг ишламаётганига ўзаро айбловлар юзасига келмаслиги учун БМТ, Россия ва Украина вакилларида иборат контакт гуруҳини ташкил этиш таклифини киритган.

2021 ЙИЛДА ҲАРБИЙ МАҚСАДЛАРГА ЭНГ КЎП МАБЛАҒ САРФЛАГАН МАМЛАКАТЛАР

Стокгоlm халқаро тинчлик муаммолари институти (SIPRI) мамлакатларнинг 2021 йилдаги ҳарбий сарф-харажатларини ҳисоблади.

Қайд этилишича, барча мамлакатларнинг мулоқоат харажатлари қўшилганда глобал иқтисодиётнинг 2,2 фоизини ташкил этди. Бутун кузатувлар тарихида мамлакатларнинг йиллик ялпи ҳарбий харажатлари илк мартаба \$2 триллионлик доводдан ошди — \$2,113 трлн.

Ҳарбий харажатлар бобида яққол устун —

АҚШ, кейинги ўринларда ва етакчи бешликда: Хитой, Ҳиндистон, Буюк Британия ва Россия. Жаҳон мулоқоат бюджетининг 62 фоизи шу беш мамлакатга тўғри келди.

1. АҚШ — \$801 млрд.
2. Хитой — \$293 млрд.
3. Ҳиндистон — \$76,6 млрд.
4. Буюк Британия — \$68,4 млрд.
5. Россия — \$65,9 млрд.

ДУНЁДА НОМАЪЛУМ ВИРУС ТАРҚАЛМОҚДА



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қатор мамлакатларда тарқалаётган номаълум инфекция ҳақида маълумот берди. Қайд этилишича, мазкур вируснинг белгилари ҳам, асоратлари ҳам гепатитники билан жуда ўхшаш. Аммо текширувларда у гепатитнинг ҳеч бир, яъни А, В, С, D ва Е турларига мансуб эмаслиги маълум бўлди.

Ҳозиргача бу хасталикка чалинган болалар сони Буюк Британияда 114, Испанияда 13, АҚШда 9, Данияда 6, Ирландияда 5, Исроилда 2 нафарни ташкил этмоқда. Нидерландия ва Италияда ҳам 4 нафардан ўғил-қизда инфекция аниқланди. Қолаверса, Франция ва Норвегиядан икки нафардан, Белгия ҳамда Руминияда эса бир нафардан беморда вирус қайд этилди.

Тахлилларга кўра, беморлар орасида бир ойлик қақалоқдан 16 ёшли ўсмирларгача бор. Энг ёмони, улардан бир нафари касаллик асо-

ратлари туфайли ҳаётдан кўз юмди. Умуман, ҳозир инфекцияни юқтирилганнинг ўн фоизи ҳаёти жиддий хавф остида. Уларда тезкор жигар трансплантацияси ўтказиш талаб этилмоқда.

ЖССТнинг баёнотида хасталик қорин оғриги, диарея, қайт қилиш сингари аломатлар билан намоён бўлаётгани айтилади. Аксарият ҳолларда юқори тана ҳарорати кузатилаётгани йўқ.

Аммо дастлабки тахлилларга кўра, 74 нафар бемор болада аденовирус асоратлари кузатилган. Шунга қарамай, мутахассислар касалликнинг келиб чиқиши қайсиدير турга мансуб мавжуд вируслар билан боғлиқ, деган аниқ хулосани айтишга шошилгани йўқ.

АМЕРИКА НЕФТИ ОРТИЛГАН СУПЕРТАНКЕР 6 ЙИЛДАН БЕРИ БИРИНЧИ МАРТА ЕВРОПАГА КЕЛДИ

Тахминан 2 млн. баррел нефт ортилган Vessel Solana супертанкери апрел ойи ўрталарида Испаниянинг Балбао портига етиб келганди, шундан сўнг улкан кема Роттердам ва Вилгелмсхафен портларига йўл олган.



Bloomberg агентлиги ёзишича, бу АҚШдан Европага сўнгги 6 йилда биринчи марта келган нефт ортилган супертанкер.

Америка нефти одатда Европага юк кўтарувчанлиги 600 миңдан 1 млн. баррелгача бўлган танкерларда келтирилди.

МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ – ОЛИЙ БУРЧ



Фотохабар



СПОРТГА ОШНО ТЕЛЕКОМЧИЛАР

“Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали касба уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан Олот тумани телекоммуникациялар боғламаси ходимлари ўртасида мини-футбол мусобақалари ўтказилди.

Мурасасиз бахсларда боғламанинг қурилиш ва таъмирлаш бўлими жамоаси фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Сифатни яхшилаш бўлими жамоаси эса 3-ўринни эгаллади. Ролиблар филиал маъмурияти ва касба уюшмаси кўмитасининг Диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланишди.

Худди шундай мусобақалар Қоровул-бозор туман ТБ ходимлари ўртасида ҳам бўлиб ўтди. Спорт тадбирлари барча телекоммуникациялар боғламаларида ўтказилиши режалаштирилган.

Эълон!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни 33-моддасига, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сонли қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомнинг 49-бандига мувофиқ, “NAVOIY KON-METALLURGIYA KOMBINATI” акциядорлик жамиятига (Навоий вилояти) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш ва қуриш бўйича фаолиятга 2021 йил 2 мартда берилган АА серия 0008207 рақамли лицензиянинг амал қилиши аризаси берилган сана – 2022 йил 13 апрелдан бекор қилинди.

Лицензияни бериш учун давлат божи тўлови белгиланган муддатда амалга оширилмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг 33-моддасига, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сонли қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомнинг 29-бандига мувофиқ, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “G-TELL” қўшма корхонасига (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2022 йил 18 январда берилган 0007342 рақамли лицензия бекор қилинди.



28 апрел – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни муносабати билан алоқа соҳаси корхона ва ташкилотларида “Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳафталиги” доирасида кўплаб тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда “Ўзбектелеком” АК “Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази”да ўтказилган ўқув-семинар ҳам шу санага бағишланди.

Семинарда вазирлик тизимидаги акциядорлик компаниялар, жамиятлар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича масъул раҳбар ва муҳандис-техниклари, шунингдек, видеоконференцалоқа орқали “Ўзбектелеком” АКнинг вилоятдаги филиаллари ходимлари онлайн иштирок этишди.

Тадбирда АКТ вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси хизмати етакчи мутахассиси М.Усманов, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ижтимоий химоя бўйича бош мутахассиси Ю.Гапуров, Ўзбекистон

Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бўлим бошлиғи Р.Ёрбобоев ва бошқалар алоқа соҳаси корхоналарида ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш масалалари бўйича маърузалар қилинди.

– Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, энг аввало, ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнида ходимнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш, хавфсиз иш ўрнини яратишга эътиборни қаратиш, ходимларга белгиланган вазибаларни хавфсиз ва тўғри бажаришларини ўргатиш ва назорат қилиш, энг асосийси эса ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи биринчи ўринда туришини яна бир қарра қайд этиб ўтишдир, – деди жумладан “Ўзбектелеком” АК Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси хизмати бошлиғи К.Содиқхўжаев. – Меҳнатни муҳофаза қилишнинг бирдан бир мақсади меҳнат муҳофазаси қонун-қоидаларига ишчи-ходим ва раҳбариятнинг эътиборини ошириш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишнинг ягона, тўғри ечимини аниқлаш ҳамда уни ишлаб чиқаришга татбиқ этишга тавсия қилишдир.

Семинар сўнггида иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоблар берилди.

Шунингдек, “Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳафталиги” тадбири “Ўзбектелеком” АКнинг Тошкент филиалида ҳам бўлиб ўтди.

Ўқув-семинарда Тошкент вилояти фавқуллода вазиятлар бошқармаси ходими, капитан М.Мансуров, Нурафшон шаҳар йўл-патрул хизмати бошлиғи катта лейтенант Ш.Бекназаров, Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бошлиғи И.Қўшбоев ҳамда ушбу туман тиббиёт бирлашмаси врач-травматологи Ш.Очиловлар тақлиф этилган ушбу тадбирда филиал боғламалари олий тоифали муҳандислари, ММҚ ва ХТ бўйича масъул ходимлар иштирок этишди.

Маърузачилар барча масъул ходимларга иш жойларида хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратилишини, жумладан, бино, иншоот, қурилма, асбоб-ускуна, транспорт ва химоя воситаларидан фойдаланишда, технологик жараёнларни амалга оширишда, шунингдек, тегишли ишлар бажарилишида ва хизматлар кўрсатиш жараёнида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча тегишли чоралар қўрилишини ҳамда ходимлар ўз функционал мажбуриятларини бажараётганида уларнинг хавфсизлик техникалари қоидаларига амал қилишлари устидан назорат кучайтирилишини, меҳнат муҳофазасига амал қилиш олий бурч эканлигини айтиб ўтди.

Семинар якунида Тошкент филиалининг маъмурий биноси ҳовлисида вилоят фавқуллода вазиятлар бошқармаси томонидан ёнгин содир бўлганида ва фавқуллода ҳолатларда куч воситалари ҳамда ходимларнинг ҳаракатланиши бўйича амалий машғулот ўтказилди.

Солижон ЗОИРОВ,
“Xabar” мухбири

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети педагогик жамоаси ва талабалар “Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳафталиги” тадбирларида фаол иштирок этишмоқда.

Яқинда университетда Юнусобод туманидаги фавқуллода вазиятлар бошқармаси, тиббиёт бирлашмаси, газ таъминоти участкаси ҳамда ёнгин хавфсизлиги бўлими ҳамкорлигида ўқазилган тадбир ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш масаласига қаратилди. Унда мутасаддилар мавзу бўйича ўз фикрларини билдирди. Фуқаро муҳофазаси тузилмаси томонидан меҳнатни муҳо-



фаза қилиш ва техника хавфсизлиги, фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш, фавқуллода ҳолатларда тезкор ҳаракат қилиш ва уларнинг оқибатларини зудлик билан бартараф этиш бўйича амалий ўқув машқлари ўқазилди.

ЯХШИЛИК ЭШИКЛАРИ ОЧИЛГАН КУН

– Тақдирин қўл билан яратур одам, дейдилар. Аммо менинг тақдиримни фақат ўзим яратдим, десам, инсофдан бўлмайди, – дея сўз бошлади линиянинг нарғи томонидаги аёл – “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали, Фарғона тумани телекоммуникациялар боғламаси бухгалтери Нигорахон Рўзиева. – Кечирасиз, опахон, бизда ёмон ишлайдиган одамнинг ўзи йўқ. Нима учун айнан мен? Қай биримизни олманг, муболағага йўйманг-у жонимизни бериб ишлаймиз.

1994 йил август ойининг ўнинчи куни мижозлар бўлими оператори бўлиб ишга кирганман. Энди ўйлаб кўрсам, ўша куни менга яхшилик ва бахт эшикларини очилган экан. Жамоа мени ўз қизидай қабул қилди. Бири-бирдан гамхўр, ширинсўз одамлар меҳридан баҳраманд униб-ўсдим. Хавас қилса қилгудай оилага келин бўлдим. Ўша йиллардаги раҳбаримиз Ахмад ака Усмоновни айтгин. Жуда ҳам билимдон, ниҳоятда маданиятли, беназир, насихатгўй бу инсон ишдан кетмоқчи бўлганимда олиб қолган. “Дарахт бир жойда кўкаради” деган. Устоз йиғилишларда жамоа муваффақияти, охириги натижа учун баб-баравар жон куйдирайлик. Юзимиз ҳамиша ёруғ, тилимиз узун бўлсин. Шундай ишлайликки, бизнинг ишхонамиз-пирхонамизга маърифат ўчоғига қарагандек қарашсин, дегувчи эди. Ана шунанга, вақтинчага ишга кирган одам бир умрга қилиб кетдим. Ойшахон Хусанова, Каримахон Ҳақимова, Муқаддасхон Тешабоева каби муқаррама устозларим-опахонларимнинг насихатлари, йўл-йўриқлари туфайли касбимдан баракка топдим. Ишхонам энг муқаддас манзилу маконга айланди. Онажоним “Сени ўзи ўйламаган, кутмаган жойдан ризқлантирди, деб хали-ҳануз қувонади. Қийинчилик йилларида сабр, енгиллик йилларда шукр қилдинг, Худо кам қилмади, зиёда қилди”, дейди.

Усмонов раҳбаримиз лавозимда кўтарилиб кетгач, ўрнига яна оқил-у доно, одамохон, дунёларга бергусиз инсон Равшан ака Исмоилов келди... Кейинроқ Ботиржон Мамажонов бошчилигида ҳам ғайрат билан яйраб ишладик. Соҳани теран билгани, одамларни қадрлаши, камтарлиги туфайли жамоада ҳам, туманда ҳам раҳбар сифатида обрў-эътибор қозонди. Хуллас, қанча раҳбар билан ишлаган



Суратда: (чапдан) Нигора РЎЗИЕВА шогирдлари – тижорат агентлари Моҳигул РАЗЗОҚОВА ҳамда Шаҳноза ҚАЮМОВАлар билан.

бўлсак, ҳаммаси ҳам инсоний фазилатлари билан бизларга катта ибрат мактаби бўлган. Ҳозирги раҳбаримиз Нурмухаммаджон Абдуҳақимовга ҳам устозларимизнинг йўлини берган. Фаолиятини янгича йўлга қўйиш бўйича ташаббуслар билан чиқмоқда. Ёш бўлса-да ишнинг ҳадисини олган. Унингча ҳам бутун ютуқларимизни ҳамжихатлик таъминлайди. Ўзаро ҳурмат-эҳтиром бўлган жамоагина энг баланд марраларга ҳам тез ва соз етади...

Ана шундай, Нигорахон билан мулоқот қилсангиз зерикмай-сиз. Бир ажойиб инсонни кашф этасиз. Отаси Эгамберди Қаюмов муҳандис, онаси Боқияхон Каримовна педагог. Улар фарзандларини ҳам ўзлари каби солиҳ инсонлар қилиб элга қўшишган. Нигорахон ота-онаси билан, акаси Алишержон (педиатр-бололау шифокори), укаси Ферузбек (муҳандис) ҳамда синглиси Анорахон (ўқитувчи) билан фахрланади. Шундай оила фарзанди бўлгач, бахтимни ўзим кўрдим, демайди, албатта. Аввало эришганларини устозлари саховати ва ғаммати билан боғлайди.

Филиал раҳбарлари ва водиллик алоқачилар бухгалтер Рўзиеванинг яна қатор хислатларидан сўзлашди. У тумандаги 50дан ортиқ корхона ва ташкилотларнинг телефон рақамларини қозғога қарамай айтиб беради. Лавозим йўриқномасига кирмас ҳам янги техника ва технологияларнинг афзалликларини, ҳатто қандай ишлашини ҳам билиб олади. Шу боис ҳам меҳнат жараёнлари қандай кетяпти – унга аён. Касб тақозоси. “Мен бухгалтерман. Билмасам” дейишга асло

ҳаққи йўқ. Шу боис ҳам “Ҳаммамизнинг кўмақдошимиз”, “Ҳаммамизнинг устозимиз” деган эҳтиромга муяссар бўлган. Қолаверса, ақл, зеҳн, қобилият неъматлари “занглаб” қолмаслиги жуда ҳам муҳим. Нигорахон турмуш ўртоғи Абдусалом Рўзиев (“Агробанк” вилоят филиали ходими) билан икки ўғилни вояга етказишди. Рустамжон Тошкент тиббиёт академиясида, Илҳомжон Фарғона политехника институтида тахсил олишмоқда.

Фарғона ТВ жамоаси бор имкониятларини ишга солиб келди қилмоқда. Нигорахон Рўзиева ҳам халқ маънавий ва моддий фаровонлигини оширишдек эзутилган муносиб ўрним бор дея ҳар қанча фахрланса арзийди.

Маълумот учун: Жамоа соҳага оид қарор ва фармонлар шикросини ўз вақтида адо этиб келмоқда. Ўтган йилги сарбдор меҳнат учун жамоанинг элетромонтёр ва кабелчилари, яъни “Қунишнинг 14 қарамони” январ ойида велосепедлар билан тақдирланган эди. Даромад режаси 2020 йилдаги нисбатан 2021 йилда 1,64 фоизга ошган. Ўтган йилнинг уч ойлигига қараганда эса ўсиш даражаси 1,76 фоизни ташкил этди. Техникавий янгиланишлар: GPON Искрател технологияси қўлланилмоқда. тўртта OLT станцияси Камтархона, Ёшларобод, Миндонобод ва Чимён қишлоқларида ўрнатилди ва станциялар сони 16тага етди. 1 апрел ҳолатига интернетдан фойдаланувчилар сафи 4722 нафардан ҳам ошди.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги муҳбири

Ибрат

КУЛИБ ЮР, ДУГОНАЖОН!

Эрталабдан синфдош дугонам телефон қилиб қолди. Салом-алиқдан кейин:

– Малика, “гап”нинг пулидан ташқари яна 60-70 мингдан пул олволиб келинглр, ҳаммага телефон қилиб айтиб чиқяпман, – деб қолди.

– Тинчликми, нега?

– Сабабини учрашганда айтарман.

Одатда “гап” деган нарсаларга ҳушим йўқ, лекин синфдошлар билан учрашишга келганда йўқ деёлмайман. Уларда болалитим бор, самимий гаплашамиз.

Бири савдогар, бири ҳамшира, бири ўқитувчи, хуллас, ҳаммаси турли жойда ишлайди. Ва синфдошларим орасида мактабда фаррош бўлиб ишлайдиган бир дугонамиз ҳам бор. Исми Нигора. Бошқалардан анчайин фарқ қилади. Содда, самимий ва салгина камхаржроқ. Аммо қалб кўзи билан қарасангиз, нафсга қуллар кўп бўлган жамиятда у дегарли фаришга. Ойлиги атиги 600 минг сўм. Шу билан ўғлини ёлғиз тарбиялаб, рўзғор тебратди. Ойлигини олади-да, энг аввал “гап” учун 50 минг сўм пул ажратиб қўяди.

Синфдошлар тушлик вақтида йиғилдик. Телефон қилган дугонам гап бошлади.

– Нигора келмасидан гапириб олай, унга “гап”га кел деб телефон қилсам, ўртоқ, бу сафар боролмайман, ўғлимга қишга уст-бош қилиб бердим, ажратиб қўйган пулимниям ишлатиб қўйдим, деб хафа бўлганди. Мен унга, сенга улгуржи нархда сотиладиган нарсга олиб бораман, сен синфдош қизларга бозор нархида сотасан, фойдасини тенг бўлаамиз, “гап” пулинг ҳам чиқади, дедим. Қалай, яхши қилибманми? Барибир, пул берсак олмайти.

Нигора ҳам келди. Савдогар дугонамиз 45 мингдан олган оёқ кийимларни Нигора бизга 55 мингдан сотди. 100 минг сўм соф даромад...

Ҳа, айтгандек, Нигоранинг ўзи ҳам саккиз мингдан пайпоқ олиб келибди. Қимтинибгина, кўзларида ёш билан, дўкончи ўз нархида берди, олти мингдан, икки минг сўмга рози бўласизлар, ўртоқларим, деб қўяди. Биз бўлса 10 минг сўмдан олдик. Бизга арзимасдек туюлар, лекин у, фойдаси 140 минг сўм пул бўлди ё адашдимми, сизлар ҳам ҳисобланглрчи, дейди қувончини яширолмай.

“Гап” ҳам ўтди. Нигора бирам хурсандки... Унинг ҳолатини тўлалигича тасвирлаб беролмайман. Унинг юзидаги табассум ҳаммамизни хотиржам қилди, дилимиз яйради.

Ҳеч ўзгалар хурсандчилигига самимий шерик бўлганмизми?..

Малика АЪЗАМ

Xabar

МУАССИС:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
VA KOMMUNIKATSIYALARINI
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

Бoш муҳаррир:

Abdug'ani ABDURAHIMOV

Tahrir Hay'ati:

Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV,
Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV,
Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi.

Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda “Xabar”dan olinganligi ko'rsatilishi shart

Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi.
Bahosi kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100000 Toshkent shahri,
Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy
(Mo'ljal Oloy bozori).
Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Obuna indeksi — 228.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.

Dizayner: Asliddin BO'RIYEV.
Navbatchi: Asliddin BO'RIYEV.

ISSN 2010-6424



Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi

Gazeta “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

Г-459 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi.
Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3165

ISSN 2010-6424

Bosishga topshirildi — 17 °°
Bosishga topshirish vaqti — 24 °°

Viloyat muxbirlari:

Andijonda (74) 226-47-80 Buxoroda (99)854-7305 Jizzaxda (94) 199-95-64 Namanganda (91) 353-71-25 Navoiyda (79) 225-91-10 Nukusda 554-35-45 Samarqandda (91)557-84-44 Termizda (99)508-30-52 Toshkentda 234-18-59 Urganchda (97) 211-65-05 Farg'onada (73) 244-18-05 Qarshida (93)931-08-99